

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**  
*(2015 йил 1-февралдан 6- февралгача)*

**№23**

**Тошкент – 2015**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 4 февраль куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги учрашувимиздан асосий мақсад – сизлар билан кўришиб, ҳолаҳволингиздан хабардор бўлиш, ўз ечимини кутиб турган муаммолар, қийинчиликлар ҳақида фикр алмашиш ва олдимизда турган долзарб вазифаларни аниқлаб олишдан иборат. Энг муҳими, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало бошқарув тизимидаги раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масаласини кўриб чиқсак, айти муддао бўлур эди, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Ҳаммамизга яхши маълум, Тошкент вилояти катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, улкан табиий ва инсоний ресурсларга эга бўлган марказий вилоят сифатида Ўзбекистонимиз ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб, кўпгина соҳа ва йўналишлар бўйича етакчи бўлиб келади.

Ушбу мавзунини “Халқ сўзи” газетасининг

5 февраль сонидан ўқиб-ўрганиш тавсия этилади.

## БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги маълумот БМТ Бош Ассамблеяси 70-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Ҳужжатда халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани қайд этилган. Ҳаётга татбиқ этилган чоратадбирлар натижасида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошгани, шунингдек, иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатлари аҳоли даромадларини ошириб, одамлар ҳаётининг даражаси ва сифатини юксалтиргани маълум қилинган. “Соғлом она ва бола йили”, деб эълон қилинган 2016 йили Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, перинатал ва скрининг марказлар, патронаж хизматларнинг модий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилада соғлом маънавий муҳит яратиш сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам таъкидланган.

### **ДАВРА СУҲБАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Қушларни муҳофаза қилиш жамияти ҳамкорлигида 2 февраль – Жаҳон сувли-ботқоқли ҳудудлар кунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Сайёрамизда биологик хилма-хилликни асраш, озиқ-овқат тўқинлигини таъминлашда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг аҳамияти беқиёсдир. Уларни муҳофазалаш мақсадида 1971 йил 2 февраль кунини Эроннинг Рамсар шаҳрида халқаро конвенция қабул қилинган. Ушбу конвенцияга бугунги кунда бир юз етмишга яқин давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам аъзо.

Мамлакатимизнинг сувли-ботқоқли ҳудудлари ўзига хос флора ва фаунаси билан ажралиб туриши, уларни асраш ва кенгайтиришга улкан эътибор қаратилмоқда. Шундай ишлар самарасида Бухоро вилоятидаги Денгизкўл, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги Айдар-Арнасой кўллари тизими Рамсар конвенциясининг халқаро аҳамиятга эга бўлган сувли-ботқоқли ҳудудлари рўйхатига киритилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар майдонини кенгайтиришга йўналтирилган бундай илмий-амалий лойиҳалар кўлами кенгаймоқда.

### **ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси

Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни ислоҳ этиш ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини юксалтириш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги қарори билан ташкил этилган Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ушбу кенгаш Мудофаа вазирлиги фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасини ривожлантиришга фуқаролар ва жамоат бирлашмаларини жалб этиш, ҳарбий хизматчилар ва чақириққача бўлган ёшларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, давлатимиз томонидан Ватан ҳимоячиларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси йўлида олиб борилаётган ишларни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш каби устувор мақсадларга хизмат қилмоқда.

### **2015 ЙИЛДА 29 ТА ЯНГИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ БАРПО ЭТИЛДИ**

Халқ таълими вазирлигининг 2015 йилги фаолияти яқунлари ҳамда 2016 йил — Соғлом она ва бола йилида тизимда амалга ошириладиган муҳим вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида таъкидланишича, 2015 йилда намунавий лойиҳалар асосида 29 та янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 та мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди. 2016 йилда мактабларнинг 3797 та бошланғич синфларини ва 2950 та 5-9 синф чет тиллари кабинетларининг 2859 тасини чет эл грантлари, 91 тасини иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан компьютер синфи билан таъминлаш, умумтаълим мактаблари учун 537 номда 26,1 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этиш, 4-синф ўқувчилари учун чет тилидан 590,3 минг нусха дарслик, ўқитувчилар учун 21,2 минг нусха методик қўлланма ва мультимедиа иловаларини ишлаб чиқиб, таълим муассасаларига етаказиб бериш, спорт турлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, спорт секцияларида машғулотларни

самарали ташкил этишга қаратилган 7 номдаги ўқув методик қўлланмаларни тайёрлаш режалаштирилмоқда.

### **“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” МОБИЛ ИЛОВАСИ**

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2016 йилда электрон чипталарни сотиб олиш учун махсус мобил иловани ишга туширади. Мобил илова ҳар қайси фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли интерфейсга эга бўлади. Фойдаланувчи нафақат чипта сотиб олиши, балки компания фаолиятига оид ўзини қизиқтирган бошқа маълумотларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ҳозирда фақатгина миллий валютада чипта харид қилиш имконияти мавжуд бўлса, Марказий банк билан олиб борилаётганган музокаралардан сўнг хориж валютасида ҳам чипта сотиш йўлга қўйилади. Бунда ички қатновлар билан бир қаторда, МДҲ давлатлари бўйлаб халқаро йўналишлар учун ҳам чипталар сотилади. Буюртмани расмийлаштиришдан аввал эса фойдаланувчи ўзининг шахсий маълумотларини киритиб, аутентификациядан ўтиши ҳамда чипта тўловини амалга ошириши лозим. Натижада сафар реквизитлари акс этган электрон ҳужжат шакллантирилади. Бугунги кунда Ўзбекистон темир йўл ташувчиси электрон чипталарни сотиб олишни ўз сайти орқали амалга ошираётган эди.

### **«ЯНГИЕР-ТОШКЕНТ» ГАЗ ҚУВУРИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ**

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси «Янгиер-Тошкент» магистраль газ қувирида модернизация ишлари олиб боришга қарор қилди. Бу лойиҳа учун 266 млн доллар йўналтирилади. Лойиҳага кўра, газ қувурининг 165 километрлик янги участкаси қурилиши назарда тутилган.

### **РОССИЯЛИК САЙЁҲЛАР УЧУН ЭНГ ҲАМЁНБОП ШАҲАРЛАР БЕШТАЛИГИ**

Меҳмонхоналарга онлайн-буюртма бериш хизмати томонидан 2016 йилда россиялик сайёҳлар учун энг ҳамёнбоп шаҳарлар рўйхати [тузилди](#). Тошкент шаҳри мазкур рўйхатнинг бешталигидан жой олди. Рейтинг 2016 йилнинг 1

февралдан 31 декабргача банд қилинган меҳмонхоналарнинг ўртача кунлик қиймати бўйича тузилди. Ҳисоб-китобларга кўра, россияликлар Тошкентга уч кунлик яшаш учун келишади. 2016 йилда россиялик сайёҳлар учун энг ҳамёнбоп шаҳарлар рўйхатига шунингдек, Польшанинг Познань ва Краков, Иордания пойтахти Оман ҳамда Боку, Тбилиси, Палермо, Кишинев, Ереван киритилди.

### **МАҲАЛЛИЙ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЎРГАНИЛМОҚДА**

БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертлари Ўзбекистоннинг вилоятларида бўлиб, маҳаллий буғдой навларини кўздан кечиришди. Тадбирда иштирок этган экспертларнинг фикрича, маҳаллий навлар келажакдаги навларнинг генетик хилма-хиллигини шакллантиришда қўлланилиши мумкин. Ташриф якунларига кўра тайёрланган материал ичида буғдойнинг барча навлари хусусида батафсил маълумотни ўз ичига олган бўлиб, ундан халқаро ишланмаларда фойдаланилиши таъкидланмоқда. 1991 йили мамлакатда йилига 940 минг тонна дон етиштирилаётган эди, 1 га ернинг ҳосилдорлиги 17 центнерни ташкил қиларди. 90-йиллар бошида мамлакатга ун ва бошқа маҳсулотлар олиб киришга ҳар йили 900 млн доллар сарфланарди. 2015 йил якунларига кўра эса Ўзбекистонда 7.5 млн тонна дон йиғиб олинди. 1 га ернинг ҳосилдорлиги ўртача 55 центнерни, айрим ҳудудларда 60-77 центнерни ташкил қилмоқда.

### **БЕЛАРУСЬ ЭЛЧИСИ БИЛАН СУҲБАТ**

2016 йилнинг 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Беларусь республикаси фавқулодда ва мухтор элчиси Николай Клакевични қабул қилди. Суҳбат давомида икки ва кўп томонлама шакллардаги алоқалар, жумладан Беларусь кузатувчи давлат мақомига эга Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон—Беларусь учрашувларининг жадвали ва кун тартиби ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга. Ўзаро ишонч ва ҳурмат, манфаатдорлик ва амалий ҳамкорлик тамойилларига асосланган алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2011 йил май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма баёнот, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг 2015 йил июлда мамлакатимизга расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда икки давлат ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида ҳиндистонлик шифокорлар кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, нефрология, онкология, гепатология, ортопедия ва бошқа йўналишларда тиббий кўриклар ўтказмоқда. Тиббиёт ходимлари икки мамлакат клиникаларида ўзаро тажриба алмашмоқда. Фармацевтика соҳасида “Новафарм”, “Браво Фарм”, “Ультра Хелс Кеар” ва “Гуфик Авиценна” каби қўшма корхоналари фаолият кўрсатаётир.

## II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

### САНКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Европарламент пайшанба куни Страсбургдаги ялпи сессиясида қабул қилган резолюцияга кўра, Россияга нисбатан санкциялар Қрим Украинага қайтарилган тақдирда бекор қилиниши белгиланди. ЕИ депутатлари Қримнинг Россияга қўшиб олинишини ноқонуний деб ҳисоблаши ва уни қоралаши, тан олмаслигини таъкидлаб ўтишган. Бундан ташқари Европарламент Қримда инсон ҳуқуқлари бузилаётгани, биринчи навбатда қрим татарларнинг ҳуқуқлари бузилаётгани ҳамда эркин фикр билдиришнинг, тинч намоишлар ўтказиш учун қатъий чекловлар қўйилаётгани кузатилаётганини айтиб ўтишган. Евродепутатлар Қримга Европа Кенгаши бош котибининг ташрифини қўллаб-қувватлаши ва унинг ҳудуддаги вазиятга баҳосини, хулосасини кутишмоқда.

Европарламентнинг мазкур резолюцияси тавсиявий аҳамиятга эга бўлиб, у мажбурий эмас.

**АФҒОНИСТОН ИШИДГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯГА ҚЎШИЛДИ**  
Афғонистон ИШИД жангариларига қарши кураш олиб борувчи халқаро коалицияга қўшилди. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Жон Керри маълум қилган. У коалициянинг бошқа аъзоларини террорчиликка қарши ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда фаоллаштиришга чақирган. Шу тариқа Афғонистон бу халқаро коалициянинг 66-аъзоси бўлди. Бундан олдинроқ, АҚШ ИШИДга қарши курашиш учун қўшимча равишда 101-ҳаво-десант дивизиясини жўнатиши ҳақида хабар берилганди.

**АҚШ 13 МЛРД ДОЛЛАР ЭВАЗИГА АТОМ СУВОСТИ КЕМАСИ ҚУРАДИ**  
Пентагоннинг 5 йиллик бюджетидида 13 млрд доллардан ортиқроқ маблағ янги атом сувости кемаси қурилиши учун белгиланган. Бундай сувости кемаси баллистик ракеталар учуриш имкониятига эга бўлади. Режага кўра, АҚШ ҳарбий-денгиз флотининг дронлар бўйича стратегияси ўзгаради. Эндиликда дронларнинг ҳарбий салоҳияти ва маълумот йиғиш имкониятлари кенгайтирилиши кўзда тутилган. 9 февраль куни ҳарбий бюджетнинг расман эълон қилиниши кутилмоқда. АҚШ Мудофаа вазири Эштон Картер бу бюджетнинг миқдори тахминан 583 млрд доллар бўлишини айтган. Манбаларда Пентагон шунингдек, АҚШ ҲҲК учун янги бомбардимончи самолёт, «Огайо» типидидаги янги сувости кемаси, ядровий қуроллар, қитъалараро ҳаракатланувчи баллистик ракеталар яратишни режалаштиргани айтилган. Defense News агентлигида ёзилишича, Эш Картер 2017 йилги мудофаа бюджети лойиҳаси тақдимоти вақтида бюджет 5 та асосий омилни назарда тутган ҳолда тузилаётгани ҳақида айтган: Россиянинг кучайиши, Хитойнинг кучайиши, Шимолий Кореянинг АҚШга ва Тинч океанидаги иттифоқчиларига таҳдидлари, Эроннинг Форс кўрфазидидаги давлатлар билан муносабатлари ёмонлашуви ҳамда ИШИДга қарши кураш.



## **АФҒОНИСТОНДА АЁЛЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ОЧИЛАДИ**

Ҳозирда Афғонистонда аёллар учун махсус университет очиш лойиҳаси бўйича жараёнлар бошланган. Мамлакатнинг биринчи хоними ва сиёсий арбоб Рула Ғаний мазкур лойиҳа юзасидан матбуот конференцияси ўтказди. “Қизлар учун университет очиш лойиҳаси Президентлик сайловларида жаноб Ашраф Ғанийнинг сайловолди кампаниясидан ўрин олади ва биз буни тез орада амалга оширамиз. Таълимни олий босқичда давом эттириш нияти бўлган қизлар учун бу айти муддао бўлади”, - дейди Рула хоним. Маълумотларга кўра, мазкур университет қурилиши учун Кобул шаҳри ҳудудидан алоҳида жой ҳам ажратилган.

## **ЭРОН САНКЦИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНГАЧ...**

Ядро шартномаси имзоланганидан сўнг Эрон хориж ҳисоб рақамларида музлатиб қўйилган 100 миллиард долларга қайтадан эга чиқди. Эрон ҳукуматининг матбуот котиби Муҳаммад Бакир Нобахтнинг айтишича, Эроннинг музлатилган активлари Хитой, Ҳиндистон, Япония, Жанубий Корея ва Туркия мамлакатларида тўғри келади. Бундан аввалроқ Эрон санкциялар бекор қилинганидан сўнг нефть нархи кескин арзонлаб кетгани сабабли тушиб кетган иқтисодиётни тиклаш учун йилига 50 миллиард доллар миқдоридан хорижий инвестицияларни қабул қилиб олиши ҳақида хабар қилинган эди.

## **УКРАИНАНИНГ “ИПАК ЙЎЛИ” БЎЙЛАБ ЮРГАН БИРИНЧИ ЮК ПОЕЗДИ**

Украина томонидан 15 январь куни Россияни айланиб ўтадиган “Ипак йўли” орқали юк ташиш мақсадида юборилган тажриба контейнер поезда эсон-омон манзилига етиб борди. “Контейнерлар олиб чиқилди, биринчи тажрибавий босқич анчайин муваффақиятли ўтди дейиш мумкин”, - деди Украина инфраструктура вазирлиги матбуот хизмати ходими. Илгари хабар қилинганидек, 24 январь куни поезд Қозоғистонда икки кунга ушлаб қолинди. Ҳужжат муаммолари ҳал қилинганидан сўнг поезд Жезқазған-Саксовул-Бейнов темир йўл линияси орқали Дўстиқ станцияга йўл олди.

## **РОССИЯ САМОЛЁТИНИНГ ҲАРАКАТИ УЧУН ИЗОҲ**

Туркия Бош вазири Аҳмад Довудўғлуниги қайд этишича, Туркия ҳаво кенгликлари чегарасини бузиш – бу НАТО чегараларини бузиш. Бу ҳақда у Саудия Арабистонига қилган ташрифи чоғида маълум қилган. «Бундай вазиятда НАТОнинг биринчи ўринга чиқиши ва ҳар қандай Туркия ҳаво чегараларининг бузилиши НАТО чегараларини бузиш билан тенг экани ҳақида бериши муҳим. Биз шимолий альянс Бош котибига Россия нима сабабдан ҳаво чегараларини бузгани борасида тушунтириш беришини сўраб мурожаат қилдик», - дея таъкидлаб ўтган Довудўғлу. У «мазкур воқеа юзасидан НАТОнинг позициясидан хурсандлиги»ни қўшимча қилиб ўтган.

## **ТУРКИЯ ҲАВО КЕНГЛИГИ БУЗГАНЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ**

Пентагон Анқараниги Россия ҳарбий самолётининг Туркия ҳаво кенглигини бузганлиги борасидаги баёнотини қўллаб-қувватлади. Шунинг учун АҚШ ҳарбий маҳкамаси Россия ва Туркияни музокаралар ўтказиш ва келишмовчиликни олдини олиш борасида зарур чораларни кўришга чақирди. Туркия ташқи ишлар вазирлиги Россиянинг Су-34 самолётининг жума куни 11.46 да Туркия ҳаво кенглигини бузганлигини билдирган эди. Ўз ўрнида РФ Мудофаа вазирлиги вакили генерал-майор Игор Конашенков, Туркия ҳаво кенглиги Россия самолёти томонидан бузилмаганлигини ва Туркия томонининг бу борадаги баёноти “овозли тарғибот” эканлигини таъкидлаган.

## **СУ-34 ТУРКИЯ ҲАВО ҲУДУДИГА КИРМАГАНИ ИДДАО ҚИЛИНМОҚДА**

Кремлда рус самолётининг Туркия ҳаво кенгликлари чегарасини бузмаган деб ҳисоблашмоқда. «Биз бари бир Мудофаа вазирлигимиз берган маълумотга таяниб ахборот берамиз. Мен Россия Мудофаа вазирлиги рус самолётларидан бирининг Туркия ҳаво чегараларини кесиб ўтгани ҳақида маълумотни рад этганини эслатиб ўтмоқчиман. Биз айнан шу маълумотга таянамиз», — деди Песков.

Туркия Ташқи ишлар вазирлиги ўтган ҳафта жума Россиянинг Су-34 самолёти Туркия ҳаво чегараларини бузгани ҳақида хабар берганди. Худди шундай

баёнот билан НАТО Бош котиби Йенс Столтенберг ҳам чиққан. Россия Мудофаа вазирлиги эса Туркия ТИВ берган баёнотни сафсата деб атаганди.

### **ТУРКИЯ РОССИЯ ТРАНСПОРТИГА ЎЗ ҲУДУДИДАН ЎТИШНИ ТАҚИҚЛАДИ**

2016 йилнинг 31 январидан 2015 йилда берилган рухсатномалар муддатининг тугаши муносабати билан Россия транспорт воситалари Туркия орқали юк олиб ўтиши мумкин бўлмайди. “Шу пайтга қадар Туркия томонидан 2016 йил учун келишувлар имзоланмади. Айти вақтда Россия транспорт вазирлиги масалани ҳал қилиш устида ишламоқда”, - дейилади хабарномада. 2015 йил декабрида Россия транспорт вазири Максим Соколов юк етказиш бўйича икки томонлама келишувлар тўрт баробарга қисқаришини маълум қилганди.

### **РОССИЯДА ИШСИЗЛАР СОНИ 1 МИЛЛИОН НАФАРДАН ОРТДИ**

Россия ҳудудида ишсиз юргани расман рўйхатга олинган фуқаролар сони январь ойининг охирига ҳафтасига келиб 3,4 фоизга кўпайиб, 1 млн нафардан ошди. Бу ҳақда Россия Меҳнат вазирлиги матбуот хизмати хабар [тарқатди](#). «2016 йил 20 дан 27 январгача расмий рўйхатга олинган ишсиз фуқаролар сони 3,4 фоизга ўсиб, 1 001 111 кишини (2016 йил 20 январь ҳолатига кўра — 968 639 киши) ташкил қилди»,— дейилади хабарда. Ташкилот маълумотларига кўра, ишсиз фуқаролар сонининг ортиш ҳолати 82 та ҳудудда кузатилган. Шу билан бирга учта ҳудудда ишсизлар сонининг қисқариш ҳам кузатилган. Булар — Коми, Ингушетия ва Киров вилояти. 27 январь ҳолатига кўра, иш берувчи маъмурияти ташаббуси билан тўлиқ иш кунида ишламайдиганлар, шунингдек, томонлар келишувига кўра, ихтиёрий ишдан кетганлар сони 1 фоизга ўсиб 264 457 нафарни ташкил қилмоқда.

**Ахборот соати раҳбари**

**Тугалов А**